



ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ

Кудияров Шарапат Салиевич

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14515364>

ARTICLE INFO

Received: 12th December 2024

Accepted: 14th December 2024

Published: 18th December 2024

KEYWORDS

глобаллашув, жадаллашув,
жамиyat, ижтимоийлашув,
ҳуқуқбузарлик, профилактика,
ислоҳот, жамоатчилик, вояга
етмаган.

ABSTRACT

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳавфсизликни таъминлаш, уларни ҳар қандай қўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимининг самарали ташкил этиш долзарб бўлиб, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳуқуқий таъминлашнинг аҳволини ўрганиш ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-тадқиқот предметиға айланган. Мақолада мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳуқуқий таъминлашнинг дастлабки даврлари ўрганилган ва таҳлилларга асосланган ҳолда илмий асослантирилган хулосалар ишлаб чиқилган.

Глобаллашув ва жадаллашув жараёнларининг жамиятдаги ижтимоий муносабатларга таъсири кучайиб бораётган шароитида қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳуқуқий таъминлаш унинг самарадорлигини оширишнинг асосий шартлари ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини тадқиқ этиш барча даврларда, айниқса, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш муаммоларни ҳал этиш жамиятнинг асосий эҳтиёжи ва талабига айланиб улгурган ва бугунги кунда ҳам ҳуқуқшунослар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузариликлар профилактикаси¹ хусусан болалар ҳуқуқлари кафолатларини таъминловчи субъектлар фаолиятни² вояга

¹Исмаилов И. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими тинчлик ва осойишталик гарови // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқи. – 2015. – 2(66)-сон. – Б.27-33.; Исмаилов И. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши // Ҳуқуқшунослик истиқболлари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.22-29.

²Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. Талқин, таклиф ва тавсиялар. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ижтимоий хатар гуруҳига кирувчи болаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш фаолиятини такомиллаштириш

етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини³, коррупциянинг⁴, терроризмнинг⁵, жиноятчиликда уюшганликнинг⁶ олдини олишни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий тартибга солинишини ўрганиш бўйича муайян тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий тартибга солиниши комплекс тарзда тадқиқотлар олиб борилмаган.

Бошқарувнинг асосий белгиларидан бири унинг мақсади, вазифалари ва функцияларини ҳуқуқий тартибга солишидир. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар бошқарув субъекти ва объектининг ҳуқуқий ҳолати ва функцияларини мустаҳкамлайди, жамият бошқарув тизимининг ҳар бир иштирокчиси масъулиятини оширади⁷. Зеро, ҳар қандай фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги, *биринчидан*, уни ташкил этиш тартибини мустаҳкамласа, *иккинчидан*, ваколатли субъектларни аниқ белгилаб беради ҳамда улар фаолиятининг асосий вазифаларини мустаҳкамлаган ҳолда, масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишнинг самарадорлиги: а) профилактика фаолиятининг тўғри ташкил этилишига; б) профилактика субъектларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйилишига; в) субъектларнинг ўзаро (ички) ва жамоатчилик билан (ташқи) ҳамкорлигининг самарали таъминланилишига ҳам муайян даражада боғлиқдир⁸.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ислохотлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар⁹, шунингдек қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш натижаларига асосланган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳуқуқий таъминлашга баҳо бериш мақсадга мувофиқ.

Йўналишлари // Бола ва замон. – 2010. – 2-сон. – Б.14-16.; *Исмаилов И.* Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш – баркамол авлод тарбиясининг кафолати // Соғлом турмуш тарзи – баркамол авлод тарбиясининг асоси: Халқаро форум материаллари (29-30 ноябрь). – Т., 2010. – Б.264-268.; *Исмаилов И.* Баркамол авлод ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси. – 2010. – № 2. – Б.12-18.

³*Исмаилов И.* Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари // «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ўқув вазифалар: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. – Б.3-10.

⁴*Исмаилов И.* Коррупциянинг олдини олишни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари // Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т., 2005. – Б.182-184.

⁵*Исмаилов И., Убайдуллазода Н.Т.* Терроризм ва экстремизмнинг олдини олишни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари // Суд-ҳуқуқ ислохотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ТДЮИ, 2007. – Б.191-195.

⁶*Исмаилов И.* Уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш муаммолари // Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий ва ташкилий чоралари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон миллий университети, 2014. – Б.25.

⁷Четвериков В.С. Административное право. Серия «Высшее образование». Ростов-на-Дону: Феникс, 2004. - С. 14.

⁸ *Мухторов Ж.С.* Ички ишлар идораларининг жиноятларни олдини олиш фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б.6.

⁹ *Зиёдуллаев М.З.* Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Т., 2018. – Б.280.; *Исмаилов И.* Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими тинчлик ва осойишталик гарови // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқи. – 2015. – 2(66)-сон. – Б.27-33.

Мазкур жараёни ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ҳуқуқий таъминлаши мисолида ўрганиш мумкин. Мустақиллик йилларида ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятининг ҳам муайян ҳуқуқий асослари шаклланди. Тадқиқотларда улар юридик кучига кўра қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ажратилади¹⁰.

Тадқиқотларда ҳуқуқбузарлар профилактикасини ҳуқуқий таъминлаш бир нечта босқичларга бўлинганлигини кузатиш мумкин. Мазкур тадқиқотларга асосланиб, ҳуқуқбузарлар профилактикасини ҳуқуқий таъминлашни шартли равишда қуйидаги 4 та босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Хусусан:

- 1) 1991-1998 йиллар (*дастлабки босқичи*);
- 2) 1999-2009 йиллар;
- 3) 2010-2016 йиллар;
- 4) 2017 йилдан кейинги даврларни ўз ичига олган тўрт босқичга ажратган ҳолда ўрганиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали бошқариш бу соҳадаги ҳуқуқий асосларни мунтазам таҳлил қилиб, мониторинг қилиб боришни, уларнинг ижтимоий ҳаётга қай даражада мослиги ва амал қилишини кузатиб боришни талаб этади.

Тадқиқотимизнинг предметида келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузарлар профилактикасини ҳуқуқий таъминлашнинг дастлабки даврини ўраганамиз. Ҳуқуқбузарлар профилактикасини ҳуқуқий таъминлаш борасида ўтказилган тадқиқотларда ислохотларнинг дастлабки босқичлари ҳақида бахсли ҳолатларни учратиш мумкин. Айрим тадқиқотларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий таъминлашнинг дастлабки босқичи сифатида 1999 йилгача бўлган давр назарда тутилган¹¹. Мазкур тадқиқотларга асосланган ҳолда ҳуқуқбузарлар профилактикасини ҳуқуқий таъминланишининг дастлабки босқичи сифатида 1991 йилдан 1999 йилгача бўлган даврда қабул қилинган қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсоннинг дахлсиз ҳуқуқлари конституция ҳамда қонунлар билан ҳимоя қилиниши (13, 22, 25-м), инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят эканлиги (24-м), қийноққа солиниши, зўравонлик, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиқ мумкин эмаслиги (26-м), ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисидаги қоидалар мустаҳкамланган (27-м).

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Конституциянинг мазкур нормалари талабларини амалда таъминловчи асосий субъектлардан бири ҳисобланган ички ишлар органлари фаолияти ушбу даврда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти эса ички ишлар органларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинган бўлса виктимологик профилактика умуман тартибга солинмаган.

¹⁰Х,ожиев Э. Давлат бошқаруви: Илмий-оммабоп рисола. - Т., 2006. - Б. 171.

¹¹Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Т., 2018. – Б.280.; Исмаилов И. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими тинчлик ва осойишталик гарови // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқи. – 2015. – 2(66)-сон. – Б.27-33.

Иккинчи: Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат килган илк қонунлардан бири Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрь кундаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан бушатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати туғрисида”ги қонуни бўлиб, унда маъмурий назорат урнатиш тартиби ва асослари, бундай назоратга олинган шахсларга белгиланадиган чекловлар, ички ишлар органлари ходимларининг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, назоратдаги шахсларнинг мажбуриятлари ҳамда маъмурий назоратни амалга ошириш тартиби, илгари судланганлар томонидан такроран жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ижтимоий мослашуви билан боғлиқ фаолият тартибга солинган¹². Мазкур қонуннинг қабул қилинишини: а) маъмурий назоратни амалга ошириш; б) назоратдаги шахсларга нисбатан тарбиявий таъсир таъсир чораларини қўллаш; в) қонунда қўзда тутилган чеклашларга риоя этилишини таъминлаш; г) қайта ижтимоийлашувида кумаклашиш; д) назоратдаги шахслар томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олиш вазифаларини белгилаб берди.

Учинчи: Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май кундаги “Аҳолини иш билан таъминлаш туғрисида”ги қонуни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ишсизликнинг олдини олиш, аҳолини иш билан таъминлашда кумаклашишга қаратилган фаолиятини тартибга солиш¹³. Ишсизликни олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ҳамда амалиётга татбиқ этилиши ижтимоий йўналтирилган профилактика чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишнинг ҳуқуқий тартибга солинишини назарда тутади.

Тўртинчи: Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрь кундаги “Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш туғрисида”ги қонуни сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва захарвандликнинг олдини олиш, бундай иллатларга чалинган шахсларни мажбурий даволанишга юборишни тартибга солиш. Ушбу қонун талабларига жамоат тартибини бузишга мойил бўлган сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган шахсларни мажбурий даволанишга юбориш чораларини қўйлади¹⁴.

Бешинчи: Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май кундаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар туғрисида”ги қонуни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш фаолиятини белгилаб беради.

Олтинчи: Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солишчи Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари доираси ҳам кенг бўлиб, таҳлиллар уларда:

¹² УзРнинг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бушатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати туғрисида»ги (9.12.1992 й.) қонуни // УзР Олий Кенгазининг Ахборотномаси. - 1993. - №1. - 33-м.; УзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 1999. - №9. - 229-м.

¹³ УзРнинг «Аҳолини иш билан таъминлаш туғрисида»ги (1.05.1998 й.) қонуни // УзР Олий Мажлисининг ахборотномаси. - 1998. - № 5-6, - 97-м.

¹⁴ УзРнинг «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш туғрисида»ги (9.12.1992 й.) қонуни // УзР Олий Кенгазининг ахборотномаси. - 1993. - № 1. - 36- м.; УзРнинг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари туғрисида»ги (19.08.1999 й.) қонуни // УзР Олий Мажлисининг ахборотномаси. - 1999. - № 9. - 210-м.

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, бу борада ҳамкорликни таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, ҳамкорликни таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан ҳисоботни юритиш;

вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишган шахслар устидан маъмурий назоратини ўрнатиш ва амалга ошириш;

алоҳида йўналишларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш масалалари ҳуқуқий тартибга солинган.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ушбу фаолият йўналиши Ўзбекистон Республикаси ИИБ ва бошқа давлат ҳокимияти бошқарув органларининг бир қатор қўшма норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ҳам ҳуқуқий мустаҳкамланган бўлиб, аҳоли билан ҳамкорлик қилиш, салбий ҳулқ-атвордаги, шунингдек турли иллатларга берилган шахслар билан ишлаш тартиби ва бошқа масалаларни белгилаб берган.

Айтиш жоизки, илгари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини барча йўналишлари ҳам қонун даражасида етарли тартибга солинмасдан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, кейинчалик (2001 йилдан бошлаб) Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тартибга солинган. Уша даврдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий йўналишлари, субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати ва вазибаларини белгилаш билан чекланиб, ушбу фаолиятини ташкил этиш тартиби ва бошқариш механизмлари ИИБнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган янги қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш имконини берди¹⁵.

Тадқиқ этилаётган даврда яратилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларда бўшлиқнинг мавжудлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида ислохотларни бошланишига, шунингдек қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни замон талабига мувофиқ ҳолда қайта ишлаб чиқишни тақоза этди:

биринчидан, ички ишлар органларининг сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлганлар, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган маъмурий назорати ўрнатилган шахслар билан ишлаш соҳасида профилактик чора-тадбирларни, хусусан ижтимоий мослашув ва реабилитацияни амалга оширишда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар муайян қонунлар билан тартибга солинганлиги;

иккинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимининг замон талабларига жавоб бермай қолиши;

¹⁵ Зиёдуллаев М.З., Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси. – 2019. – Б.124-125.

учинчидан, аҳоли турар-жойларида кечаю-кундуз узлуксиз ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ундан жабрланганларга ўз вақтида ёрдам кўрсатишни амалга ошириш тизими самарасизлиги;

тўртинчидан, ички ишлар органлари турли хизматлари ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш тизимининг йўқлиги;

бешинчидан, аҳоли турар-жойларида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга кенг жамоатчилиқни, айниқса, ички ишлар органларига ёрдам беришни хоҳлаган фуқароларни жалб этиш ва улар ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш тизимининг йўқлиги¹⁶;

олтинчидан, мазкур соҳада вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқлар, ноаниқликлар ва зиддиятлар билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳуқуқий таъминлаш мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини оширишга, шунингдек қонун ҳужжатлари талабларининг ижросини бир хилда таъминлашга эришишга хизмат қилади. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳуқуқий таъминлаш борасидаги ишларни илғор назарий таълимотлар ва хорижий тажрибаларга ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига асосланган ҳолда такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

INNOVATIVE
ACADEMY

¹⁶Исмаилов И. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими тинчлик ва осойишталик гарови // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқи. – 2015. – 2(66)-сон. – Б.27-33.